

ХАВАР

تېخىر

Ўзбекистон почта ва телекоммуникациялар агентлиги нашри

1992 йил мартдан чиқа бошлаган

2000 йил, 6 октябр, жума № 39 (422)

Сотувда нархи эркин

Ўзбекистон почта ва телекоммуникациялар агентлигининг навбатдаги ҳайъат мажлиси бўлиб ўтди. Йиғилишни агентлик Бош директори Ф. Абдуллаев бошқарди. Мажлисида қатор масалалар қўриб чиқилди.

«Почта ва телекоммуникациялар соҳасида давлат назоратининг олиб борилиши ҳамда Давлат алоқа инспекцияси фаолияти тўғрисида» Давлат алоқа инспекцияси бошлиғи М. Рустамова маъруза қилди.

Маърузада таъкидланганича, Ўзбекистон Республикаси назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштирувчи ҳудудий Кенгашлар билан келишилган ҳолда, 2000 йилги текширишлар режасига асосан 9 ой мобайнида жами 198 та, шу жумладан почта соҳасида 43 та, телекоммуникация соҳасида 155 та текширишлар ўтказилган. Давлат алоқа инспекцияси қорхоналар томонидан тақдим этилаётган ҳужжатларни чуқурроқ урганишга ҳамда почта ва телекоммуникациялар соҳасида фаолият курсатаётган ҳужжалик юритувчи субъектлар билан биргаликда ишлар олиб боришга кўпроқ аҳамият бермоқда.

Маҳаллий телефон алоқаси соҳасида хизмат курсатаётган лицензиатлар, Қорақалпоғистон ДЭАИЧК, Навоий ДЭАИЧК, Бу

рени тартибга солиш Низоми ҳамда почта алоқаси хизматлари Рўйхатлари — УзПТА томонидан тартибга солинувчи тарифлар ва ҳужжалик субъектлари томонидан ўрнатилувчи тарифлар лойиҳалари тўғрисида» Агентлик маркетинг тадқиқотлари ва тарифлар бўлими бошлиғи Ю. Мухчи, «Ўзбекистон Республикаси Вазири Маҳкамасининг 1999

ҲАЙЪАТ ЙИҒИЛИШИДА

хоро ДЭАИЧК, «Андижон Телеком» ОТАЖ, «Жиззах Телеком» ШК, «Қашқадарё Телеком» ШК, «Самарқанд Телеком» ШК, «Сурхондарё Телеком» ШК ва уларнинг филиалларида лицензия шартларининг тулиқ бажарилиши таъминланмаган ва тақдим этилаётган хизмат мезони ўрнатилган меъёр талабига жавоб бермайди.

Шунингдек, ҳайъат йиғилишида «Радиочастота спектридан фойдаланишнинг назорат аҳволи ва уни яхшилашга қаратилган чора-тадбирлар ҳақида» Электромангнит мослашув маркази бошлиғи Р. Мансуров, «Почта алоқаси хизматлари тарифла

рий тартибга солиш Низоми ҳамда почта алоқаси хизматлари Рўйхатлари — УзПТА томонидан тартибга солинувчи тарифлар ва ҳужжалик субъектлари томонидан ўрнатилувчи тарифлар лойиҳалари тўғрисида» Агентлик маркетинг тадқиқотлари ва тарифлар бўлими бошлиғи Ю. Мухчи, «Ўзбекистон Республикаси Вазири Маҳкамасининг 1999 йил, 5 февралдаги 42-сонли «Маълумотлар узатиш миллий тармоғини ташкил этиш ва ҳаётан ахборот тармоқларидан фойдаланишни тартибга солиш тўғрисида»-ги қарорининг бажарилиши ва маълумотлар узатиш тармоғининг ривожланиши тўғрисида» иқтисодий таҳлил ва истиқболни белгилаш бўлими бошлиғи А. Хужаев маъруза қилди.

Ҳайъат йиғилишида юқорида қўрилган масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

ЎЗ МУХБИРИМИЗ

Расмий жавоб

СИҲАТ КОМИССИЯСИ МАСЪУЛИЯТИ ОШИРИЛДИ

«Хабар» газетасининг 2000 йил, 22 сентябрь 38-сонидан чоп этилган «Қандай даврда яшаётганлигимизни унутмайлик» сарлавхали мақола жамиятимизда атрофича урганиб чиқилди.

Давлат алоқа инспекцияси томонидан «Сурхондарё почтаси» акциядорлик жамиятида 24-29 июль кунлари ўтказилган текширишда аниқланган камчиликларни бартараф этиш мақсадида аниқ чоралар амалга оширилди.

Жамият директорининг биринчи уринбосари Ж. Ғаниев, почта бўлими бошлиғи Б. Нуриддинова, Музаабод почта алоқа филиали директорининг уринбосари Г. Исмаиловлар алоқа филиалларида текширишлар ўтказиб, натижасини комиссия йиғилишида муҳокамага қўйиш топширилди.

«Хабар» газетасининг 2000 йил, 22 сентябрь 38-сонидан чоп этилган «Қандай даврда яшаётганлигимизни унутмайлик» сарлавхали мақола жамиятимизда атрофича урганиб чиқилди. Давлат алоқа инспекцияси томонидан «Сурхондарё почтаси» акциядорлик жамиятида 24-29 июль кунлари ўтказилган текширишда аниқланган камчиликларни бартараф этиш мақсадида аниқ чоралар амалга оширилди. Жамият директорининг биринчи уринбосари Ж. Ғаниев, почта бўлими бошлиғи Б. Нуриддинова, Музаабод почта алоқа филиали директорининг уринбосари Г. Исмаиловлар алоқа филиалларида текширишлар ўтказиб, натижасини комиссия йиғилишида муҳокамага қўйиш топширилди.

Жамиятимизда Давлат алоқа инспекцияси томонидан курсатилган камчиликларга тақридан йил қуймаслик мақсадида барча филиалларда қаттиқ назорат ўрнатилди, жамият мүлкни ҳимоя қилиш ҳамда сифат комиссиялари ташкиллаштирилиши назорат текширишдан ўтказилди.

А. ТўРАҚУЛОВ,
«Сурхондарё почтаси»
АЖ директори

Обуна 2001

«ХАВАР»ГА МАКТУБ

Хурматли «Хабар» газетаси таҳририяти!

Нашрларингизга қизиқишим ортганидан шахримизда бўлаётган маъруза соҳага оид янгиликлардан сизларни хабардор қилиб боришга қизиқаман. Дастлабки мақоламиз газетанинг 10 март сонидан ўқиб хурсанд бўлдим. Кейинги мақоламизнинг чиқишини кутиб, навбатдаги сонларини кутиб бордин. Афсуски, шахримиздаги почта ва алоқа бўлими ва «Андижон Телеком»нинг Қорасув бўлими йилнинг биринчи чорагагина обуна бўлишган экан. «Андижон Телеком»нинг Қўрғонтепа бўлимида эса обуна 6 ойга расмийлаштирилди. Ушундан бигача бўлган сонлари билан танишиб бордин. Июль ойидаги сонларининг бирида кейинги мақоламиз чиққанлигини эшитдим, аммо худди ушундан топа олмадим. Сотувда йўқ.

Аваламбор, мақолаларининг газетангизда берганларингиз учун миннатдорчилик билдираман. Аммо мени бир нарсая уйлантирди. Юқоридagi жамоалар газетига уч ой, олти ойга обуна бўлиб, кейинги ойлар учун негиз қилинмайдими. Наҳотки, почта ва телекоммуникациялар агентлигининг ягона газетасига муносабат шундай бўлса.

Ахир, шу соҳадаги янгилик ва узғаришлар XXI асрнинг шош-шувели воқеаси эмасми? Ахборотни қилишларга эвақилда етказишга раҳбарият масъулиятини ҳис қилиб туриши лозимдир, балки.

Уйлаيمانки, кейинги йил обунасида иккунчи узғаришлар бўлади. Насиб эгаси, янаги йилнинг 4 чорагада ҳам сизлар билан ҳамкорлик қилиш ниётламан.

Оловиддин ДАДАХОНОВ,
«Қорасув тўғи»
газетаси ходими,
Андижон вилояти

ҲУҚУҚБУЗАРЛИК ЖАЗОСИЗ ҚОЛМАЙДИ

вилоятда — 13, Самарқанд вилоятда — 8 тани ташкил этган.

2000 йилнинг саккиз ойи давомида 18 мансабдор шахсларга нисбатан маъмурий жазо қўрилган. Бу ҳақда тегишли маълумотлар ўрнатилган тартибда Давлат алоқа инспекцияси томонидан Ўзбекистон Республикаси Прокуратурасига доимий равишда тақдим этиб боришмоқда.

Жорий йилнинг август ойига қуланилган маъмурий жазо чоралари тўғрисидаги маълумотлар қуйидагича:

Наманган вилоятдаги Наманган тумани матбуот жамияти ходими Р. Расулов ноқонуний тарзда радиоузаткич шахобчаси ўрнатгани ва ундан фойдалангани, шунингдек, абонентлик қурilmасини электр тармоқларига уланганлиги учун жавобгарликка тортилди.

«Уздунробита» қўшма корхонасининг Наманган филиали ходимлари Р. Тешабоев, А. Заҳарияц, Наманган шаҳар телефон тармоғи ходими Х. Исахов ва таксофон хизмати бўлими бошлиғи И. Аҳмедов, сифат муҳандиси М. Шарипбоев каби қонунбузарчилар, Андижон вилоятинда эса «Андижон Теле-

ком» ЖХнинг Балиқчи филиали директори М. Ҳакимов ва бош муҳандиси Н. Собиров, Қорақалпоғистон Республикасидан Чимбой тумани электралоқа боғламаси бошлиғи К. Консамжаров ва бош муҳандиси И. Утегияевлар алоқа хизматининг сифати доир меъёрлар ва давлат тармоқ стандартларини бузганликлари учун 153-моддага асосан жавобгарликка тортилдилар.

Қорақалпоғистон Давлат электралоқа ишлаб чиқариш корхонаси бош муҳандиси К. Калонов ва бўлим бошлиғи Б. Нажмадиновлар, Самарқанд вилоятининг «Ленг Арқару Марубени» консорциумининг ходимлари — М. Дурдул ва М. С. Баруқчулар, Тошкент вилоятининг «Бекобод ойна ҳақони» маҳаллий телевидение бош директори М. Сангинов, Тошкент шаҳридан Д. В. Ким, Фарғона вилояти хусусий кабель телевидение раҳбарлари О. Қобилов ва А. Тўражоевлар радиоэлектрон воситалар ва юқори частотали қурilmалардан фойдаланиш тартибини бузганликлари учун 152-моддага мувофиқ жавобгарликка тортилдилар.

Давлат алоқа инспекцияси алоқа хизмати курсатувчи қор-

хона ва ташкилотлар раҳбарларига, маъсул ходимларига ҳамда алоқа соҳасидан гайриқонуний равишда фойдаланишга уринаётган фуқароларга алоқа тармоқлари ва воситаларини қўнунга ҳилоф равишда ишлатишни тўхтатиш ва алоқа хизмати сифатига доир меъёр ва стандартларнинг ўрнатилган талабларига қатъиян амал қилишга даъват қилади. Эслатиб ўтаемизки, Ўзбекистон Республикаси Вазирилар Маҳкамасининг 1998 йил 10 июлда қабул қилинган 293-сонли Қарорига асосан Давлат алоқа инспекцияси чиқарган қарорлар алоқа соҳасида хизмат курсатаётган барча юридик ва жисмоний шахслар томонидан бажарилиши шартдир. Акс ҳолда соҳадаги ҳуқуқбузарликларга нисбатан амалдаги қонунчилик ҳужжатлари талабларига асосан Давлат алоқа инспекцияси кескин чоралар қўришини маълум қилади.

Э. МАТҚУРБОНОВ,
Давлат алоқа
инспекцияси меъёрий
ҳужжатлар бўлими ходими

ТҮЙ ВА ТҮЁНА

очиб, барча иштирокчиларни институтнинг 45 йиллиги ва мураббийлар кўни билан таъриқлади. Бир гуруҳ профессор ўқитувчиларни, муҳандис техник ходимлар ва талабаларни институт Фаҳрий Ёрлиги билан тақдирлади ва Ташаққунома эълон қилди. Ректор буйруғига асосан институтнинг 250 дан зиёд профессор ўқитувчиларига қимматбаҳо

совгалар тақдим этилди.

Шунингдек, Ўзбекистон почта ва телекоммуникациялар агентлиги Бош директори уринбосари Ш. Обидхужаев сузга чиқиб, институтнинг бир қатор профессор ўқитувчилари агентлик муқофотлари билан тақдирлангани ҳақидаги агентлик Бош директори Ф. С. Абдуллаевнинг буйруғини ўқиб эшиттирди.

Кенгашта «Ўзбектелеком» АК бош директори А. Х. Жўрабоев

йиғилганларни муборақбод этиб, туйга тўёна билан деганидек, институт стадионини таъмирлаш учун 50 миллион сумдан ортққ пулни институт хисобига ўтказиш тўғрисида қарор қабул қилинган ҳамда 20 нафар мураббийларга пул муқофоти ажратилганини маълум қилди.

Кенгашта йиғилиш қатнашчилари байрам дастурхонига таклиф этилди.

Ф. АСОМХҲҲАЕВ,
ТЭАЙ маънавий ва
матриал масалалар
бўлими услубчиси

Тошкент радио-телевизион узатиш марказида (телеминора) телевиденининг биринчи дастури учун янги, кучли узатгич ўрнатиш ишлари ниҳоясига етди. Узбек мутахассислари япониялик монтажчи-маслаҳатчи Татсуя Кавано билан биргаликда узоқ йиллардан буюн бетиним ишлаб «чарчаган» эски жиҳозларни янгисига алмаштириш борасида мураккаб замонавий техниканинг монтаж ва синов ишларини ўтказдилар.

Икки мамлакат монтажчилари барча ишларни тугаллаб, Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 9 йиллик байрамга совға тариқасида 1-сентябрда янги узатгични ишга туширдилар.

Техникавий номукамалликни бартараф этиш борасида қўйилган қатъий қадам шу тарзда бошланди. Бу ишлар еш мустақил давлатнинг халқро ҳамжамиятдаги обрўси охиб бораётганлиги, ҳақдорлик учун зарур бўлган барқарорлик ва иқтисодиётнинг усиб бократганлиги тўғрисида амалга ошди. Ушбу ҳамкорликда дунёнинг кўпгина мамлакатларига замонавий буюмлар ва маҳсулотлар, жумладан телекоммуникация тармоқларини қайта жиҳозлаш ва ривожлантириш учун ускуналар етказиб

берувчи Япониянинг «Иточу» компанияси ҳам иштирок этганлигини эслатиб ўтиш жоиз. Бу компания Ўзбекистон билан бир неча йилдан буюн қизиқиб келмоқда. 1996 йили телекоммуникация тармоқларини қайта жиҳозлаш ва ривожлантириш борасида ўтказилган танловда биринчи мартаба тақдимот ва

га узайтирилиши ва жиҳозларга кафолат мuddатининг уч йилгача эканлиги шулар жумласидандир.

Лойиҳада телеминорадаги унта, шу жумладан олтига телевизион ва туртта радио FM узатгичларни алмаштириш кўзда тутилган.

Жорий йилда иккита телеви-

зион узатгичи ўрнатиш ва ишга тушириш режалаштирилган эди. Мана шулардан биринчиси – сафда. Монтаж ва ишга тушириш ишларини қисқа мuddатларда бажаришда корхона раҳбари Босит Обидов, республика радиолоқа, радиозастириш ва телевидение ишлаб чиқариш бирлашмаси директори Муҳаммаднорми Отамухамедов ҳамда Ғайрат Қушоқов раҳбарлигида меҳнат қилган муҳандислар – Илҳом Мирсодиқов, Рудольф Турсунов, Павел Гольдварс, Эдуард Аваков, Умар Султонбоев, Владимир Денискинларнинг хизматлари катта бўлди.

«Иточу» компанияси Тошкентта узатгич жиҳозлари комплектини келтирди, монтаж ва со-

нинг лойиҳада кўзда тутилган узатиш тизимини қайта жиҳозлаш учун зарур ускуналар вақтида етказиб берилишини ва амалдаги ишлар белгиланган мuddатларда бажарилишини айтиди. Шу билан бирга корпорация Ўзбекистон телекоммуникация тизимини қайта жиҳозлаш борасида ўтказилган халқро танловда иштирок этиши ҳамда галабага эришишга ҳам умид қилмоқда. Бунинг учун Япониянинг Тошиба ва Фуджицу фирмалари билан консорциум ташкил этилди. Жаноб М. Мурофуши Ўзбекистонда корхоналар давлат тасарруфидан чиқарилаётгани ва хусусийлаштирилаётганидан мамнун эканлигини ҳамда корхоналар акцияларини сотиб олиш таклифи куриб чиқилишини айтиди.

Кунчиқар мамлаката тадбиркорларининг почта алоқаси корхоналарини янги техника билан қайта жиҳозлаш, хусусан почта-банк хизматини ташкил этиш ва миջозларга хизмат курсатиш учун зарур замонавий электрон жиҳозларни етказиб бериш лойиҳасига қизиқишлари диққатга сазовордир. Япониянинг «Иточу» компанияси билан бундай ҳамкорлик яқин кунларда биздаги барча алоқа турлари энг юқори талабларга жавоб бера оладиган даражада бўлишига қаратилган.

А. КУДИНОВ

ТЕЛЕВИДЕНИЕ: ТЕХНИКАНИ ЯНГИЛАШ БОШЛАНДИ

амалий ташриф билан қатнашди.

1999 йил «Иточу» Тошкент телеминорасининг радио-телевизион узатиш мажмуасини қайта жиҳозлаш ва ривожлантириш лойиҳаси буйича жиҳозлар етказиб бериш борасида ўтказилган халқро танловда ғолиб бўлди.

«Иточу» компанияси билан 3,5 миллион Америка доллари миқдориде керакли жиҳозларни етказиб бериш буйича шартнома тузилди. Бу лойиҳанинг дастлабки қиймати 4,7 миллион АҚШ долларига тенг. Келишувда нарх туширилди ва бошқа муҳим имтиёз ҳамда афзалликлар ҳам назарда тутилди. Туловларнинг етти йил мuddат-

зион узатгичи ўрнатиш ва ишга тушириш режалаштирилган эди. Мана шулардан биринчиси – сафда. Монтаж ва ишга тушириш ишларини қисқа мuddатларда бажаришда корхона раҳбари Босит Обидов, республика радиолоқа, радиозастириш ва телевидение ишлаб чиқариш бирлашмаси директори Муҳаммаднорми Отамухамедов ҳамда Ғайрат Қушоқов раҳбарлигида меҳнат қилган муҳандислар – Илҳом Мирсодиқов, Рудольф Турсунов, Павел Гольдварс, Эдуард Аваков, Умар Султонбоев, Владимир Денискинларнинг хизматлари катта бўлди.

«Иточу» компанияси Тошкентта узатгич жиҳозлари комплектини келтирди, монтаж ва со-

янгиллик кундалик ҳаётимизга кириб келгани сезилмади. Лойиҳада Тошкент телеминорасини қайта жиҳозлаш ишлари 2001 йилда тугалланиши мўлжалланган. Бу нафақат телевизио узатувлари сифатини яхшилабгина қолмай, жиҳозлар ишининг ишончилигини ҳам оширади.

Ҳақинда республикамизга «Иточу корпоратив» делегацияси ташриф буюрди. Унинг раиси жаноб Минору Мурофушини республикамиз Президенти И. Каримов ва Бош вазир У. Султонбоев қабул қилдилар. Почта ва телекоммуникациялар агентлигида ҳам музокаралар бўлиб ўтди.

«Иточу» раҳбари телеминора-

МЕҲНАТДАН ОБРЎ ТОПГАН АЁЛ

Сидқидилдан меҳнат қилган киши албатта обрў-этибор топади, эл ҳурматиға сазовор бўлади. Ана шундай эл орасида Ёзоз топган инсонлардан бири Людмила Михайловна Кафановадир.

Сирдарё вилоятининг Янгиер шаҳрида туғилиб усган Людмила 8 синфини битирган, 1976 йили Иркутск вилоятининг Ангорск шаҳриға бориб, хунар-техника билим юртида тахсил олди. Уқишни тугатиб қайтган, «Дружба» хужалиғидаги алоқа бўлимида иш бошлади. Сунгра, 1981 йили Янгиердаги алоқа бўлимиға бошлиқ уринбосари лавозимига ишга ўтди. Ораддан

бир йил утар-ўтмас уринбосарликдан алоқа бўлими бошлиғи вазифасига тайинланди.

Людмила Михайловна тинимсиз малакасини ошириб борди, устозларининг курсатмаларига таянган ҳолда ўзи ҳам ишларға мураббийлик қилди. 1989 йили Л. М. Кафанова Янгиердаги 3-алоқа бўлимиға раҳбар этиб тайинланди. Ишдан ажралмаган ҳолда Тошкент алоқа коллежида тахсил олди. Бу унинг билим ва тажрибасини янада оширди.

– Людмила жамоадаги ҳар бир ходимнинг турмуш шароитини яхши билади, – дейди биз билан суҳбатда «Сирдарё почтаси»

ХЖ Бош директори уринбосари З. Нишонбоев. – Оққунимиз, меҳнатсевар раҳбарларимиздан. Узининг ҳалол меҳнати, одамларга бўлган доимий эътибори билан бутун вилоят почта алоқаси ходимлари орасида ажралаиб туради.

Ҳа, заҳматкаш алоқачининг меҳнатлари зое кетмади. Мамлакатимиз Президенти Фармоғни кура Людмила Михайловна «Дустилик» ордени билан мукофотланди.

Биз бу юксак мукофот билан Людмила опани самимий муборакбод этамиз. Эл-юрт хизмати йулида доимо ҳорманг, деймиз.

**Абдуғофур ҲОТАМОВ,
Жамоатчи муҳбиримиз,
Сирдарё вилояти**

Мустақиллик йилларида энг ривожланган соҳалардан бири – алоқа соҳасидир. Соҳа муаммоларини ҳал қилишда Вазирлар Маҳкамасининг алоқа тармоғини ислоҳ қилишға қаратилган қарор ва фармонлари ҳал қилишға аҳамиятга эға бўлди. Биргина Навоий вилоятида икки йил ичиде 70 йилда қилинган ишлардан кўпроқ иш қилинди. Мураккаб геологик шароитларда Навоийни Зарафшон билан ҳамда Хатирчи,

курсатишға қаратилди. Бунинг учун мажму дастур тузилди. Барча хизмат турларини юқори савияда курсатиб, миջозларға бўлган муносабатини тубдан узгартириш вазифаси қўйилди. Бу борада талайгина ишлар қилинди. Агар кечатгина Навоийдан носозликлар ҳақидаги мурожаатлар юзлаб бўлган бўлса, ҳозирда эса уларнинг бир кўнлик сони жуда ҳам кам. Миջозларнинг мурожаатлари ва имкониятларини урганиш, барча носозликларни

ЯНГИ ЎЗГАРИШЛАР АРАҒАСИДА

Навбахор, Конимех, Кармана ва Қизилтепа туманлари марказлари билан боғловчи 400 километрик оптик толали кабели ўтказилди. Эскирган станциялар урниға умумий сифими 47 миң рақамға эға бўлган 12 та электрон станциялар ишга туширилди. Шаҳарларо автоматик телефон алоқасининг имкониятлари юз мартаға ўсди. Бир йил муқаддам Уқудуқ шаҳри, Мурунгов ва Дағизтов аҳолиси шаҳарларо автомат телефон станциясига (ШАТС) бемалол чиқиш имкониятиға эға бўлдилар. Яқин-яқинлардаги телефон узратиш учун «техник имкониятлар йўқ» деган иборалар ҳали хотирамиздан кутарилгани йўқ. Энди эса шаҳар телефон тармоғининг абоненти бўлишликка тақлиф этиб, матбуотда эълонлар берилмоқда, уйма-ўй юриб, хоҳловчилар аниқланмоқда.

Вақт узгармоқда. Аҳоли ва унинг талаби ҳам узгаравтир. Навоийда яқиндагина «Уздуробита» қўшма корхонасининг ягона уяли алоқа филиали буларди, бугун эса унинг «ДЭУ Юнител» ва «Коском» каби рақобатчилари пайдо бўлди. Алоқа уйда юзлаб миջозларға Интернет тизимиға чиқиш имконини берувчи «Найтов-Навоий» шўбға корхонаси фаолият курсатмоқда. Республикаимиз мустақиллигининг 9 йиллигини нишонлаш арағасида корхона фаолиятининг асосий курсаткичларидан бири – телефонлар сонининг ўсиши буйича йиллик режа ошиғи билан бажарилди. Икки миң урниға 2700 та янги телефонлар узратилди.

Яна бир далилнинг эслаб ўтиш ўринлидир. Давлат электралоқа ишлаб чиқариш корхонаси кенгаши қарорига кура корхона фаолияти унинг барча бугунларида миջозларға юқори сифатли хизмат

электрон станциялар дастурида кўзда тутилганидек, профилактика йули билан бартараф этиш асосий мезон сифатида қабул қилинди. Корхона раҳбарияти миջозлар алоқа учун эмас, алоқа миջозлар учун эканлигини таъкидлаб, бу вазифанинг бажарилишини ҳар бир ходимдан қатъий талаб қилмоқда. Талаб ижрочиларнинг аввалги хизматлари, меҳнат стақиларидан қатъий назар, барчаға баробардир.

– Вазиятни бир томонлама баҳолаш бурттириб курсатишдек гап, – дейди Навоий давлат электралоқа ишлаб чиқариш корхонаси бошлиғи Б. Тунғишбоев. – Муаммо ва камчиликларимиз етарли, биз уларни яширмаймиз. Афсуски, ҳамма алоқачиларимиз ҳам ташаббус билан, ишға бутунлай берилган ҳолда ишлаш дозимлиғи ҳақидаги оддий ҳақиқатни тушуниб етаверишмайди. Даромадға қараб яшашни урганиш, харажатларни ҳисоблаш – давр талабидир. Фақат шундагина корхонанинг барқарорлиғи ва даромадлигини таъминлаш мўкин.

Яқин кунларда ОЕСФ лойиҳасининг иккинчи босқичини узлаштириш бошланди. Унинг бажарилиши Уқудуқ, Томди ва Нурота туманлари электралоқа корхоналари иш тизимини тубдан узгартиради. Бу борада ҳозирча ҳал қилинмаган масалалар мавжуд: Булардан ташқари корхонани ҳиссадорлик, жамиятиға айланттириш арағасида турибмиз. Бу жараён қандай кечилишдан қатъий назар, электралоқа соҳаси ҳудудининг зарур ва ишончли соҳасига айланганиға ишончимиз комил.

**М. ЗАГОСКИН,
Навоий-вилояти**

**АСПИРАНТУРАГА МАРҒАМАТИ
ТОШКЕНТ ЭЛЕКТРОТЕХНИКА АЛОҚА
ИНСТИТУТИ 2000 ЙИЛДА**

05.12.02 – Алоқа каналлари орқали ахборот узатиш қурилмалари ва тизимлари;
05.12.14 – Алоқа тармоқлари, бўлиmlари ва ахборот тақсимлаш;
05.12.17 – Радиотехника ва телевидение тизимлари ва қурилмалари мутахассислиғи буйича кундузги ва сиртқи аспирантураға қабул

ЭЪЛОН ҚИЛАДИ!

Ҳужжатларни қабул қилиш мuddати 2000 йил 1 ноябрғача.
Манзилимиз: 700084 Тошкент шаҳри, Амир Темуру кўчаси, 108 уй.
Маълумот учун телефонлар: 35-08-84; 35-01-12; 35-07-63;
Факс: 35-10-40.

**БАРЧА КОРХОНА ВА ТАШКИЛОТЛАР
ДИҚКАТИГА!**

«Электралоқа таъминот» ҳиссадорлик жамияти барча алоқа корхоналари ва ташкилотларига ҳамда бошқа-қизиқувчи корхоналарға қуйидаги алоқа маҳсулотларини тақлиф қилади:

1. Ҳар хил телефон кабеллари;
2. Алоқа симлари;
3. Ҳар хил турдаги бокслар;
4. Кабель уялиқлари – ЯҒК, УҒК;
5. Кабель ўтказиш таъқчалари (Россия);
6. Блокли арконлар (Россия);
7. Монтер индикаторлари (Россия);
8. Ҳар турли қўлғилар (Россия);
9. Монтерврик қўтилари (Россия);
10. Кабель илгичлар;
11. Европада ишлаб чиқарилган, рақамли узатишға асосланган ҳар хил турдаги телефон аппаратлари. Нархи: 8000 сум;
12. ДЭУ-2340 ва бошқа турдаги телефон аппаратлари;
13. Рақам териш қурилмасисиз телефон аппаратлари;

**ТЕЛЕФОНЛАР: 191-23-19; 191-61-08; 191-60-21;
136-36-27 (факс).**

ТАБРИКЛАЙМИЗ!

«Матбуот тарқатувчи» акционерлик компанияси жамоаси корхонанинг катта йўриқчиси **Абдулла СОБИРОВ**ни 50 ўши билан самимий табриқлайди. Унга узоқ умр, сийхат-саломатлик, оилавий хотиржамлик, ишларида омад тилайди.

Ҳўрматли **Тельман Убайдуллаевич ПИРНАЗАРОВ!**

Сизни Пирназаровлар оила аъзолари ва дуслариниғиз номидан 63 ўшиниғиз билан чин орақдан табриқлаймиз. Сизға узоқ умр, сийхат-саломатлик тилаймиз. Бахтимизға доимо соғ бўлинг!

Оила аъзолариниғиз ва дуслариниғиз.

«Қашқадар Телеком» шўбға корхонаси Ғузор филиали жамоаси устоз **Йўлдош ХУСАНОВ**ни 60 ўши билан самимий муборакбод этади. Унга боқий умр, тани соғлиғ, оилавий хотиржамлик тилайди.

«Андижон почтаси» акциядорлик жамияти жамоаси корхонанинг техника хавфсизлиғи муҳандиси **Абдулхамид АБДУЛҲАКОВ**ни тугулган кўни билан табриқлайди. Унга узоқ умр, сийхат-саломатлик ва келгуси ишларида муваффақиятлар тилайди.

Расул ота деган Форсикон домла буларди. Куп асарлар қатори Саъдийнинг «Гулистон» китобини ҳам ёд билар эдилар. Оллоҳ у кишидан рози бўлсин, биз ота-бола тутинган эдик.

Ҳеч кимни ранжитмайдиган, камситмайдиган бу отахон бир кунги гилам ўғриси ҳақида кулиб-кулиб ҳикоя қилган эдилар. Ай-

шук ҳақида кулиб-кулиб гапирган эдилар:

— Калла-поча олган эдик. Авллар ҳамма нарсани қозонга солишибдию пўстдубани олиб қолишибди. Уни баландроқ жойга илиб қуйишган бўлса ҳам бир эпчил ўғри мушук келиб, олиб қочди. Ҳай-ҳайлаб бориб ярминигиздан юлиб олиб қолдик.

● Турмуш чорраҳаларида

ЎҒРИЛАРДАН КУЛГАН ОДАМ

тишларига қараганда, у кишининг маҳалласидаги масжиддан бир гилам йўқолибди.

— Ким олган бўлса ҳам есин, инсин, түйсин, — дебдилар Расул ота.

— Ия, нега унақа дейсиз? — дебди намозхонлардан бири. — ундан кўра есин, инсин, түймасин денг, тақсир.

— Йўқ, унақа демайман, — дебдилар отахон, — ахир түймаса келиб яна битта гиламни кутариб кетади-да.

Иккинчи гал у киши ўғри му-

Эртаси уни мошкичирига солишибди. Мошкичирини еб, пўстдубани яхнага олиб қўйдик. Кечаси уни ҳам уша мушук келиб олиб кетибди. Буни қаранг, мушукка насиб қилган нарсани биз еялармидик. Майли, еган бўлса ош бўлин.

У киши мана шунақа ибратомуз воқеалардан ҳикоя қилардилар. Фойда келтирмайдиган гап учун оғиз очмас эдиларки, отахоннинг бу фазилатлари ҳамма учун сабоқ эди.

Азиз АБДУРАЗЗОК

БУЛУТ

(Масал)

Мусаффо осмонда момикдек оппоқ Булут сузиб юрарди. У соҳибжамол эди. Қаёқдандир эсган Шамол унинг атрофида парвона була бошлади.

— Намунча олдимда гирди-капалак бўлиб қолдинг, эй Шамол?

— Сендай осмон фаришта-сини кўрдиму ошиқчи беқарор бўлдим. Эй, гузал фаришта, қани энди сен ҳаёт йулимда менга йўлдош бўлсанг! Еру кукка ишонмай, бир умр каф-тимда кўтариб юрардим.

Шамолнинг ширин сузларидан узини йўқотиб қўйган Булут шахло кўзларини охишта юмиб, уйга толибди. Шамол Булутнинг сукот сақлашини ризолик аломати ўрнида қабул қилибди. Уни ўз кафтига ўтқазиб, майин ва ёқимли муҳаббат қўшиғи билан аллалаганча узоқ-

узоқларга олиб кетибди.

Булут Шамолнинг ширин аллаларидан узига келиб кузини очса... бир умр кафтида кўтариб юришга ваъда қилган Шамол йўқ эмиш. У тева-рак-атрофга мунгли кузлари билан жовдираб, Шамолни чақирармиш. Шамолдан эса садо келмас эмиш.

«Бу енгилтак, беқарор Шамолнинг жодусига ишонди, қаерларга келиб қолдим?» дея атрофга кўз ташлаган экан, узини беповон кум саҳросида қурибди. Саҳро эса ютаман деб олов пуркармиш. Булут узининг ачиқ қисматидан хурлиги келиб, юм-юм кўз ёш тукибди. Унинг аламли кўз ёшлари эса оловдек ёнаётган кумликларга сингиб кетибди. Ундан биронта майса ҳам униб чиқмабди.

Эркин ҚОДИРОВ

НЕГА ШУНДАЙ ДЕЙМИЗ?

Арпа-бугдой ош экан, олтин-кумуш тош экан. Бу мақолнинг келиб чиқиши куйидаги афсонага боғлиқ. «Бир савдогар бой хуржуннинг бой ёғига олтин, бир ёғига кумуш тулдириб, шу бойлигига ишонган ҳолда ҳеч қандай озиқ-овқат олмай, сафарга жўнабди. Унинг йўли кимсасиз чўлу бибғонага тушибди. Зог учмайдиган бу ерларда на сув, на овқат бор. Ҳалиги бой бир неча кун оч-наҳор юриб, ниҳоятда ҳолдан тўйиб, нима қиларини билмай кетаётса, қаршисидан бир гадо чиқиб қолибди. Унинг халтаси тула нон экан. Бойнинг кузи нонга тушиб, суюнганидан сал бўлмаса-уздан кетаёткибди. «Мана бу хуржундаги олтин-кумушларга нонингни айирбош қиласанми?» дебди бой гадога. Гадонинг кузи хуржун тула олтин-кумушга тушиб, юраги ёрилаёткибди ва дарҳол жон деб рози бўлибди. Бой унга олтин-кумушларини бериб, нонга тушиб, дармонга кириб, яна йўлига равона бўлибди. Гадо бўлса, хуржунни елкасига ташлаб, бир кун юрибди, икки кун юрибди, қорни ўлғудай очибди. Олтин-кумушни эса еб бўлмайди. Охири очликдан силласи қуриб, ҳолдан тўйиб, кумга йўқилиб ётиб қолибди. Улар ҳолга келганда олтин-кумушларни олдига қўйиб, қўли билан кумга «Арпа-бугдой ош экан, олтин-кумуш тош экан», деб ёзибди-да, оламдан утибди».

Давлат алоқа инспекция-си жамоаси Фарғона давлат алоқа инспекцияси бошлиғи Қодиржон Исмоножонович Исмоиловга отаси

Исмоножон ИСМОИЛОВнинг

вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

«Ўзбекистон почтаси» ДАК раҳбарияти ва жамоаси «Жиззах почтаси» акциядорлик жамияти директори И. С. Саид-мирзаевга падари бузруквор

Саиднасим САИДМИРЗАЕВнинг

вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

● Донолар бисотидан

ҲИКМАТЛАР

Буюк маънавият йўқ жойда буюк инсон ҳам йўқ.

Р. РОЛЛАН

Одамни табиат яратади, лекин уни шакллантирувчи ва камол топтирувчи — жамиятдир.

В. Г. БЕЛИНСКИЙ

Бу дунёда инсон булиш — ажойиб мартаба.

М. ГОРЬКИЙ

Китоблар билан бизнинг муносабатимиз одамлар билан муносабатимизга ухшайди. Жуда кўплар билан танишамизу фақат баъзиларининггина узимизга дуст бўлиб, бир умрлик самимий йўлдош қилиб танлаймиз.

Л. ФЕЙЕРБАХ

Виждон — қонунлар қонунидир.

А. ЛАМАРТИН

Тақдир одамга ниҳоятда шафқат қилса, унга оламда энг улуг бахт ато этмоқчи бўлса, садоқатли дўстлар топиб беради.

Э. ТЕЛЬМАН

Ҳамма вақт ҳам қаҳрамон булиш қийин, лекин ҳаммиша инсон булиб қолиш мумкин.


И. ГЁТЕ

Агар сизни ҳеч ким ёқтирмаса, амин бўлинг — бунга узингиз айбдорсиз.

Ф. ДОДРИЖ

Яхшилик — инсон ички оламнинг кўеши.

В. ГЮГО



Олтин куз неъматлари.

● Биласизми?

ШАНБА «ҲАММОМ КУНИ»

Финляндиянинг Мургуне деган қишлоғида «Ҳаммом музейи» очилган. Бу ерда турли даврдаги ҳаммомларни куриш мумкин. Музейда 1769 йили қурилган ва сақланиб қолган фин ҳаммоми ҳам бор.

Ҳозирги кунда ҳаммомлар сони шунчалик кўпайиб кетганки, у мамлакатдаги енгил машиналар сонига тенглашиб қолган. Ҳаммомлар уйларда, меҳмонхоналарда, кемаalarda, идораларда ҳам бор. Қадимги аънаанага биноан ҳафтада бир кун — шанба «Ҳаммом куни» ҳисобланади.

Манбаларнинг таъкидлашича, ҳаммом Финляндияда деярли икки минг йилдан бери мавжуддир. Қадим замонларда қишлоқ аҳолиси чуқур қовлаб, унга ўртача катталиқдаги тошларни ташлаганлар ва қиздирганлар. Кейинчалик одамлар махсус қурилишлар қилиб, унинг ичида қизиган тош олдида утирадиган ва ётадиган булишган.

● Ажаб дунё

НОҲАҚ АЙБДОР

1865 йили Американинг бир газетаси бош мақоласида шундай деб ёзган эди: «Нью-Йоркда нодон ва лақма одамларга гўё гапни сим орқали узоқ масофага узатадиган аппарат курсатиб, хийлагарлик қилган ва шунинг эвазига улардан пул олгани учун айбланган 46 ёшли бир киши қамоққа олинди.

У ўз аппаратида «телефон» деб ном берибдики, бу ном «телеграф» атамасининг тақлидидир. Бу одам телеграфнинг афзал-

ликларини билган кишилар ишончига ҳивнат қилган. Мутахассисларнинг фикрича, овозни сим орқали тарқатиш мумкин эмас. Борди-ю мумкин бўлганда ҳам, унинг ҳеч қандай аҳамияти бўлмас эди.

Қаранг, ушанда телеграфнинг истиқболига шубҳа билан қаралган экан-да! Бўлмаса телефоннинг келажагини билган киши ҳибсга олинармиди?

А. АЛИЕВ тайёрлади

МУАССИС:

Ўзбекистон почта ва телекоммуникациялар агентлиги

Бош муҳаррир:
Шодмон ОТАБЕК

ТАҲРИР ҲАЙАТИ:

Шомансур ОБИДХУҲАЕВ
Шухрат ЖАББОР
Анатолий КУДИНОВ
Иззат АХМЕДОВ
(Бош муҳаррир ўринбосари)
Абдугани АБДУРАХМОНОВ
(Масъул котиб)
Мирпўлат МИРЗО
Рустам КОСИМОВ
Қуролбой ТҮЛЕБОВ
Ёқубжон ХҲАМБЕРДИ

ЖАМОАТЧИЛИК КЕНГАШИ:

Саидмахмуд АКБАРОВ
Шоҳрух АКБАРОВ
Ортиқбой АБДУЛЛАЕВ
Меҳмонкул ИСЛОМҚУЛОВ
Тўлқин ЛУТФУЛЛАЕВ
Бобохон ШАРИФ

МАНЗИЛИМИЗ: 700000
Тошкент-35, А. Толстой кўчаси, 1.



ТЕЛЕФОНИМИЗ:

136-36-42, 136-35-29,
144-29-09.

Факс: 136-36-42.

ИНДЕКС: 64600

ЖУМА КУНЛАРИ ЧИКАДИ

Таҳририятга келган кўлэмалар (2 ораликда, 5 бетдан ошмаслиги лозим) ва суратлар муаллифларга қайтарилмайди. Мақолалардаги фикр-мулоҳазалар, келтирилган факт ва рақамлар масъулияти муаллифлар зиммасидадир.

Рўйхатга олиш № 00011.

Буюртма № Г-742.

5757 нусхада чоп этилди.

Офсет усулида босилди.

Бичими А-3, ҳажми 1

босма табоқ.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ «ШАРҚ» НАШРИЁТ-МАТБАА КОНЦЕРНИ БОСМАХОНАСИ.
Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Босишга топширилди — 19.00

Босишга топшириш вақти — 18.00

1 2 3 4 5 6